



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

Филология факультети «Ўзбек тили ва адабиёти»

мутахассислигини битирувчиси

Авезимбетова Махмуданинг

**«Адабиёт дарсларида шарҳлаб
ўқитишнинг ўзига хослиги»**

МАВЗУИДАГИ БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

НУКУС-2008



МАВЗУ: «Адабиёт дарсларида шарҳлаб ўқитишнинг ўзига
хослиги»

РЕЖА:

КИРИШ

АСОСЛАМА

I БОБ

**5-8 СИНФ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА
ШАРҲЛАБ ЎҚИТИШ**

II БОБ

**9–11 СИНФ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА
ШАРҲЛАБ ЎҚИТИШ**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Маълумки бадий адабиёт инсон туйғуларига таъсир этади, уни ахлоқий тарбиялайди, маънавий камолатини шакллантиради. Демак, адабиёт инсоннинг маънавий қадриятларини шакллантириш ва ахлоқий қиёфасини белгилашга энг ҳамда таъсир кўрсатувчи санъат тури экан.

Мактаб ўқув предмети сифатида адабиётнинг ўзига хослиги шундаки, унинг ўрганиш объекти сўз санъати намунаси бўлмиш бадий асарлардир. Мактабда адабиёт ўқитишнинг бош мақсади соғлом эътиқодли, умуминсоний қадриятларини англайдиган, ахлоқий баркамол, ўз хатти – ҳаракатларига маънавий маъсул бўла оладиган етук шахсни шакллантиришдир.

Мактабда адабиёт ўқитишнинг вазифаси ўқувчиларда бадий адабиётга меҳр уйғотиш, уларни бадий асарларни ўқийдиган, тушунадиган ва таҳлил қила биладиган, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма тарзда тўғри ва эркин ифодалай оладиган қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Мактаб адабиёт таълимининг мақсад ва вазифалари адабиёт предметининг мазмунини белгилайди. Миллий, қардош ва жаҳон халқлари оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётнинг бадий юксак асарларини ўрганиш, ўқилган асарларини ¹ тушуниш ва таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш, айрим назарий маълумотларни ўзлаштириш, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини такомиллаштириш мактаб адабиёт предметининг мазмунини ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, муайян бадий асарни ҳар томонлама таҳлил этиш орқали унинг

¹ 1 Умумтаълим мактабларда дастури. Ўзбек адабиёти /5-11 синфлар учун/ Т. “Ўқитувчи”, 1993. 3-б.

моҳиятини англаш ва тушиниш мумкин. Бироқ бу таҳлил илмий методик томондан тўғри бўлиши лозим. Маълумки кейинги пайтларда илғор тажрибали ўқитувчилар тамонидан дарснинг семинар-дарс, Баҳс-дарс, суҳбат-дарс, синов-дарс, конференция-дарс, саёт-дарс каби турлари ўтказилмоқда. Бундай дарс турлари ўқувчининг дарс пайтидаги лоқайдлигига барҳам бериб, унда фаолликни уйғотади, болани ўйлашга, муҳокамали фикр юритишга, сўзлашга ва изланишга ҳамда меҳнат қилишга ўргатади.

Бунинг учун ҳамма вақт ўқитувчи, ўз ўқувчиларига нисбатан кўпроқ шуғулланиб, билим ва маҳоратини тинмай ошриб бориши зарур. Шундагина у ўз номига муносиб фаолият кишиси бўлади. Меҳнатнинг самараси сифатида ҳар бир дарси мазмунли, мароқли оригиналлиги билан фарқли эканлигини, унинг машғулотларига ўқувчилар табора қизиқиб бораётганликларини, шогирдларининг дарс жараёнида ўқув материалларини, шогирдларини зўр иштиёқ билан ўрганишга киришиб активлик ва уюшқоқлик кўрсатаётганликларини қалбдан ҳис этади. Бундай натижага, шубҳасиз дарс жараёнида адабий асарни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш орқали эришиш мумкин. Бу таҳлил қандай планда, қайси йўналишда ўтказилишдан қатъи назар, асарни чуқур ўрганишга хизмат қилиш лозим.

Бадий асарнинг таҳлили турли шаклда бўлиши мумкин. Ўқитувчи матнни ўқиб бериш жараёнидаги шарҳи, асарнинг¹ айрим элементларини муҳокама этиш, шу шумладан адабий қаҳрамонларнинг характеристикаси,

¹ 1 А. Тожиев Бадий асар таҳлили. “Тил ва адабиёт таълими” ойномаси, 1993., № 3, 25-б.

асарнинг тил хусусиятлари, композицияси кабиларни ўрганиш ва ҳакозо.

Таҳлил чоғида асарнинг моҳияти ҳар томонлама ойдинлашиб боради. Тушунган ҳолдаги таҳлил – айна ҳаётий бўлиб, талқин этилаётган масалага жонли муносабатда бўлиш ҳолатини келтиради.

Мен бу ишимда юқорида санаб ўтганлардан Адабиёт дарсларида шарҳлаб ўқитиш масаласи бўйича фикр юритмоқчиман.

АСОСЛАМА

Қадим замонлардан буён илм ўрганишда кенг қўлланиб келинган усуллардан бири шарҳлаб ўқишдир. Шарҳ арабча сўз бўлиб **очиш, баён этиш, ошкор қилиш** каби маъноларни англатади. Навоий асарлари луғатида эса **шарҳ айламак, изоҳламоқ** тарзида баён этилган. Баъзи манбаларда шарҳ тавсифга ўхшаб кетиши, бу атама гарчи шарҳ билан маънодош бўлса-да, лекин у кенгроқ мазмунни англатиши қайд этилади.

Оврўпа илмий атамашунослигида шарҳ тушунчаси ҳамма вақт ҳам бир хил маънони ифода этмаган. Масалан **шарҳ** сўзига рус адабиётшунослигида **коментарий** атамаси тўғри келиб, у баён этиш, тушунтириб бериш, маъзини чақиш каби маънолардан ташқари, кенг маънода, яъни илмий тадқиқот характеридаги ишларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Тажрибали ўқитувчиларнинг фикрича, шарҳлаб ўқиш орқали, бирор асар матнини изоҳлаш жараёнида ўқувчилар нотаниш сўз маъноси билан, айрим сўзларнинг кўчма маъноси ёки бир сўзнинг бир неча хил маънолари билан танишадилар. Тарихий бадий асарларни ўқиш орқали архаик шевага хос, араб форс тилидан кирган сўзлар маъноси ойдинлашади, ўқувчилар кўз ўнгида ўтмиш маданият ойдинлашади.

Баъзан дарсда мавзуни бадий асар номини шарҳлашдан бошлашга тўғри келади. Масалан, Турди Фароғийнинг “Субхонқулихон ва унинг амир-амалдорлари тўғрисида ҳажвия” асарини шарҳлашни Субхонқулихоннинг тарихий шахс эканлигини, у ўз замонасининг таниқли ҳукмдори бўлганлигидан бошлаш зарур. Агар Субхонқулихон характери унинг шахсини очиб берадиган тарихий

маълумотлар билан изоҳланса, дарснинг мазмундорлиги ортади. Бобурнинг “Бобурнома”, Гулханийнинг “Зарбулмасал”, Махмурнинг “Ҳапалак”, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарларини шарҳлашда ҳам худди шу йўлни тутиш мумкин.

Шунга ўхшаш асарларни шарҳлаш қуйидаги қисмлардан иборат бўлади¹

1. Лингвистик шарҳ . (Тушунилиши кийин сўзлар, маъноси нотаниш ва ноаниқ сўзлар изоҳи).

Шарҳнинг бу турини қуйидаги сўзлар қамраб олади: архаик сўзлар, тарихий сўзлар, диалектизм, араб-форс сўзлар изоҳи. Сўзларни шу тарзда изоҳлаш унинг қайси тилга мансублиги ҳақида ҳам маълумот беради.

2. Тарихий-миллий шарҳ. Бу хил шарҳда қадимий миллий урф – одатлар, анъаналар, удумлар билан боғлиқ бўлган анъаналар изоҳланади.

3. Тарихий адабий шарҳ. Бунда адабий асарлардаги тарихий давр билан боғлиқ анъаналар изоҳланади. Бундан ташқари асарларни шарҳлашда яна қуйидаги туркум сўзлар изоҳи бўлиши мумкин:

- Жўғиروفик жой номлари:

- Бадиий асардаги тарихий шахслар, улар ҳақидаги қўшимча маълумотлар:

- халқ мақоллари, иборалар ва тасвирий воситалар:

- қаҳрамонларнинг исми, ташқи қиёфаси, кийим боши, буюмлари.

- Сон билан ифодаланган сўз ва иборалар ва ҳакозолар.

¹ М.Турсинова Адабиёт дарсларида шарҳлаш усули. “Тил ва адабиёт таълими” ойномаси. 1992, №-3,4. 23-бет.

Шарҳлаб ўқитишда ҳам ўқувчиларни ёш хусусиятларига алоҳида диққат қаратиш лозим. Акс ҳолда, айрим нарса , сўз, тушунчалар ўқувчиларга тушунарсиз айримлари эса оз бўлиб қолиши мумкин.

Ана шуларни назарда тутган ҳолда бизнинг диплом Иккита фаслдан(бобдан) иборат бўлди. Ишимизнинг биринчи боби “5-8-синф адабиёт дарсларида шарҳлаб ўқитиш” деб номланган бўлиб, унда 5-8-синфларда дастур асосида ажратилган мавзулар, улардаги матнларни шарҳлаб ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, усуллари тўғрисида тўхталиб, атрофлича тўхталишга ҳаракат қилдик.

Ишимизнинг иккинчи боби “9-11синф адабиёт дарсларида шарҳлаб ўқитиш” деб номланган бу бобда биз юқори синф адабиёт дарсларида **шарҳлаб ўқитиш** усули,унинг ўзига хослиги масаласини ойдинлаштиришга, қуйи синфларда олиб бориладиган шарҳлаб ўқитишнинг фарқларини кўрсатишга интидик. Изоҳталаб сўзлар, шарҳлаш лозим бўлган анъана урф-одатлар, тарихий шахс ва асар номларига дарс жараёнида қай тахлитда масалага бошқача тарзда ёндашиб, қуйи синфларга қараганда кенгроқ тушунча бериш борасида сўз юритилади.

I БОБ

5-8 СИНФ АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ШАРҲЛАБ ЎҚИТИШ

5-8 сифларда халқ оғзаки ижодининг ўзбек, қардош туркий ва жаҳон адабиётининг айрим намуналарини ўрганиш кўзда тутилади. 5-8 синфлардаги адабиёт дарсларида бадиий асарлар ўқитувчи ёки ўқувчилар тамонидан кўпинча, тўлиқ, баъзан парча ҳолида таҳлил этилиши лозим.

Ўқитувчи дарсликдан ташқари матндан фойдаланиб, тайёрланиб келса ҳам уни ўқувчиларга содда тарзда етказиб беришга ҳаракат қилиш керак. Масалан 5-синфда “Мақоллар” мавзусини ўтиш учун I соат ажратилган. Шу бир соат давомида ўқитувчи мақолларни ўқиб, уларни шарҳлаб, изоҳлаб ўқувчилар онгига тўлиқ тўғри етказа билиши шарт.

Кириш машғулоти билан дарсни ташкил қилгандан кейин, ўқитувчи асосий эътиборни мақоллар маъноси ва унинг шарҳига қаратиши лозим. Маълумки, халқ мақолларининг мавзу доираси жуда кенг бўлиб, уларда акс этмаган халқ ҳаётининг бирон соҳаси йўқ. Чунки халқ ўз ҳаётининг барча жабҳалари бўйича кузатишлари ҳамда тажрибаларини, мақоллар шаклида абадийлаштиради ва шу орқали уни келгуси авлодларга қолдиради.

Ўқитувчининг вазифаси мақолларнинг шу хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар онгига етказа билиши керак. Аввало ўқувчиларнинг ўзларига ихтиёрий равишда, ҳоҳловчиларга мақоллар шарҳлатиб, кейин тўлиқ бўлмаган жойлари ўқитувчи тамонидан изоҳлаб тўлдириса, нур устига аъло нур бўлади.

Меҳнатсеварлик, ватанпаварлик, мардлик, сахийлик, илм олиш, кесб ҳунар эгаллашни улуғловчи мақоллар мағзини

тўғри чақиб, уларни оғзаки нутқда қўллашга ўргатиш керак. Бу нарсани эса бутун таълим ва тарбия жараёнида амалга ошириш мумкин.

“ Ватангадо бўлгунча- кафангадо бўл”. Шу бир мақол мисалида тушинтирадиган бўлсак, биринчидан мақол маъноси тушинтирилади. Кейин эса ёши улуғлардан, кекса кўпни кўрганлардан эшитганларингиз борми? Вошқача вариантлари бор бўлса , у ҳам айтилади. Бу ерда ўқувчилар учун кафан сўзи нотаниш бўлиши мумкин, бу эса ўқитувчи тамонидан изоҳлаб берилади.

Кафан-кўмиш олдидан мурдани ўрайдиган оқ мато, яъни қабр либоси эканлиги тушунтирилади. Бу мақолда эса кафан гадо шаклида ишлатилган.

Кафонгадо- бор йўғидан ажралган, ҳеч нарсаси йўқ кишига нисбатанр ишлатилади. Ватангадо эса ватандан қочиб, ўзга элларда дарбадар юрувчи қочқин. Шу тарзда изоҳлаб айтса, ўз-ўзидан мақол мазмуни очилиб, изоҳланган бўлади.

5-синфлар ўқиб ўрганиши учун дастурда Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” асаридан парчалар берилган. Бунини ўрганишда қуйдагича тушинтирган мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Ер остига қочиб кирдим нодонлардан
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин
Ғариб жоним юз тасаддуқ жононлардин,
Доно топмай ер остига кирдим мано

Аввал луғат устида ишлаб нотаниш сўзларнинг маънолари билан таништириб ўтиш керак. Кейин таҳлил шарҳлашга ўтилади.

Нодон-

Илким-

Даставвал ўқувчиларни ўзларидан сўраб, агар билмаса, буни ўқитувчи қуйдагича баён қилиб бериши керак.

Нодон – илм маърифатдан хабари йўқ, онги тушчаси паст

Қолоқ, яна фаҳми фаросати кам:
тушунмайдиган

Тентак кишиларга нисбатан айтилувчи сўз
Эканлиги айтилади.

Илк сўзи эса қўл сўзи ўрнида ишлатилган. Агар ўқувчилар орасида ўғуз шеваси вакиллари бўлса, улардан қўлни э л шаклида ишлатишлари сўраб, билиб олингач, аждодларимиз илк шаклида¹

Ишлатилганлиги таъкидланади. Бу билан ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишлари янада ортади.

Юқорида келтирилган ҳикматни шарҳлаш жараёнида ўқувчиларда нотўғри тасаввур қолмаслиги учун Яссавий ҳаёти билан боғлиқ воқеани эслатиш лозим деб ўйлайман.

Аҳмад Яссавий Муҳаммад пайғамбардан ортиқ умр кўришни гуноҳ деб билган. Пайғамбар эса 63 ёшида вафот этган. Шу сабабли у 63 ёшида ертўлага тушиб, умрининг охиригача шу ертўлада яшаганлигини алоҳида уқтириб ўтиш керак. Бу ерда яна Муҳаммад пайғамбар ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтишга тўғри келади. Бу маълумотни етказиш ўқитувчи зиммасига юкланади.

Аҳмад Яссавий нодонларни инсон ўрнида кўрмайди. Шу сабабли у ҳикматларидан бирида “агар нодон бемор

¹ 1 Б.Сармисаков, Т.Халилов, Б.Қурбонбоев. Ўзбек адабиёти. Дарслик. 5-синфлар учун. Т., “Ўқитувчи”, 1993 й, 82 б.

ётган бўлса ҳам унинг ҳолин сўрамайман” деб, жоҳил ва жаҳолатга нодонлик ва калтабинликка қарши исён кўтаради.

Рабғўзийнинг “Қисаси Рабғўзий” асарида парча берилган. “Нух пайғамбарнинг кема сафари ҳикояти”. Рабғўзий ҳақида маълумот бериб бўлгандан кейин, Нух пайғамбар, Нух тўфони ҳақида ўқувчиларга қисқача маълумот бериб ўтиш керак. Нух пайғамбар ривоятларига кўра 950 йил умр кўрган. Қавми унинг изидан юрмагани, оллоҳга сиғинмагани учун худонинг ғазабига учраб, сўз тўфонидан ғарқ бўлишган. Нух эса кемада ўз тарафдорлари ва жуфт – жуфт жониворлар билан омон қолган. Бу маълумотлар эса “Қуръон” и карим сураларидан олинган маълумотлар эканлиги айтилади. Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръон” ҳақида ҳам маълумот бериб ўтиш ўқитувчининг санъаткорлигига, вақтдан фойдаланиш қобилиятига боғлиқ нарсалар.

Бу парчани ўтмишда ўқитувчи кўпроқ луғат устида ишлашга тўғри келади. Чунки асарда ишлатилган сўзларнинг кўпчилиги ҳозрги ўқувчи /китобхон/ учун тушунарсиз бўлиб қолган. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир сўзни ўқувчиларга изоҳлаб маъносини тушунтириб бериш керак. Илон, чивин, мушук, тўнғиз, қалдирғоч номлари асарда келтирилади. Ривоятга боғлаб, Мушукни пайдо бўлиши ҳам кўрсатилган , яъни Нух пайғамбар арслоннинг бошини силаса унинг бурнидан икки мушук тушган. Шу сабабли мушуклар арслонга ўхшайдилар керак. Халқ орасида отаси ёки онаси бирон қариндошига ўхшаган болани унинг “бурнидан тушгандек” деб айтишади. Бу сўз ўшандан қолган бўлса ажаб эмас.

Қалдирғоч инсонни умрлик фалокатдан сақлаб қолганлиги учун унга ўз уйининг тепасидан жой бериши қалдирғоч бахт – давлат олиб келади деб уни кадрлашларини ўқувчиларга содда тарзда тушинтириб бериш керак. Озми – кўпми бу нарса ҳақида ўқувчиларнинг ўзларида ҳам маълумот бўлиши табиийдир. Ўқувчиларни ўзларидан ҳам сўралса нур устига аъло нур бўлади.

Ҳикоятдаги қалдирғоч инсонга дўст ва ғамхўр қуш образи бўлиб, у ҳамиша одамзодга яхшилик тилайди. Шунинг учун ҳам қалдирғочлар хонадонимизга ин курсалар, бу уй бахтли уй хисобланган. Инсон ҳеч қачон қалдирғочларга зарар етказмайди.

Хожанинг “Муфтахул адл” ва “Гулзор” асарларидан ҳам парчалар берилган. Бунинг учун режалаштиришда икки соат вақт ажратилган.

“Луқмони ҳаким ҳикояти”, “Бир шайхнинг йўлдан адашган кишига йўл кўрсатгани” ҳикоятлари берилади. Биринчи ҳикоятда “Ҳар ким экканини ўради” деган фикрни, иккинчи ҳикоятда тўғри ҳалол, покиза умр кечириш афзал, деган ғояларни илгари суриб асар руҳига сингдирганлиги ўқувчиларга тушунтирилади. Луқмони Ҳаким ҳақида ўқувчиларга қуйидагича маълумот берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Луқмон Ҳаким “Қуръон”нинг “Луқмон” сурасида тилга олинади. Ривоятга кўра табобат соҳасининг пири бўлган Луқмони Ҳаким минг йил умр кўрган.

Ҳақиқатдан ҳам Луқмони Ҳаким мумтоз адабиёт вакиллари бўлсин, демакратик адабиёт вакиллари бўлсин ижобий образ идеал сифатида талқин қилинади. Шарқ

халқлари орасида тенги йўқ ҳаким ва донолик тимсоли хисобланган афсонавий шахсдир.

Қайқовуснинг “Қобуснома” асаридан боблар берилган. Бунинг учун режалаштиришда 3 соат вақт ажратилган.

Мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган қисқагина давр ичида йўл қўйилган хатоларни туғрилаш борасида жуда катта амалий ишлар қилинади. Айниқса, ота-боболаримиз учун Қуръони Карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг сунатлари дастурида амал ҳақида уламо-ю, ҳукамоларимизнинг китоблари тарбиямизнинг ишончли манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосийси-исломий одоб фарзандларнинг ҳалол, паок, меҳнаткаш, илмга интилувчи, катталарни, айниқса, ота-оналарни ҳурматлайдиган руҳда тарбиялашни шарт қилиб қўйганди. Айниқса, ота-боболаримиз учун Қуръони-Карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг суннатлари дастури уламо-ю ҳукамоларимизнинг китоблари тарбиямизнинг ишончли манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳу васалламнинг куйидаги ҳадисларида «Ҳеч бир ота фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди» дейилган бўлса, яна бир ҳадису муборакларида «Мўмин кишига берилган нарсаларнинг энг яхшиси чиройли ҳулқдир» дейилган эди. Биз ҳалқимизнинг, одоб икромлилик ҳақидаги бой хазинасига назар солиб, миллий тарбиянинг тиниқ булоғидан келгуси авлодни баҳраманд қилиши ниятида кўпгина асарлар ўзбек тилига таржима қилинган. Шундай асарлардан бири Қайқовуснинг «Қобуснома» асаридир.

«Қобуснома» XI асарда яратилган. Бу даврда феодализм жамияти анча ривожланган бўлиб илм-фан санъат ва адабиёт маълум даражада тараққий этган эди.

Олимлар «Қобуснома»ни диққат билан ўрганадилар ва ўз тилларга таржима қиладилар. «Қобуснома» турк, уйғур, татар ва Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилинади.

«Қобуснома»нинг муаллифи Кайковус Каспий денгизнинг жанубий қирғоғида яшовчи Гилон қабиласидандир. У «Қобуснома»ни 1082-1083 йилларда яратади. Бу ҳақда Кайковус ўз асарида: «Сана 475 да бошладим – деб маълумот беради. Бу даврда Кайковус 63 ёшда бўлиб анчагина кексайиб қолган эди, у ўғлига мурожаат қилиб: «Писарим, ман пир шудам»-деб ўзининг қариганлигидан маълумот беради ва ўз асари «Қобуснома»ни ўғлига бағишлайди.

Бу дарсда шарҳлаб ўқишни ўқитувчи қуйдагича ташкил қилса, яхши самара бериши табиийдир. I соатда Кайковуснинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериб бўлгандан кейин 2 соатда асардан берилган бобларнинг мазмуни билан таништиришга киришади. Мазмуни билан қисқача таништириб ўтгандан кейин асардаги бобларни ўқувчиларга ифодали ўқитади. Бундан мақсад ўқувчилар учун нотаниш сўзларни аниқлаб олишдир. Асар содда тилда ёзилишига қарамай унда маълум даражада ўқувчилар тушуниши қийин сўзлар учрайди. Бу нарса эса ўқувчиларни матн мазмунини мустақил ўзлаштиришга ёмон таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун бунини ўқувчи дарс жараёнида изоҳлаб бериши керак бўлади.

Масалан, қуйдагича сўзлар учрайди:

Вожиб – лозимлик юзасидан бажарилиши шарт иш.

Эй фарзанд билгинки, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш **важиб**дир.

Шул важдий -шу сабабдан

Сағал – озгина

Эй фарзанд шул важдин ота-онагни сағал ҳам ранжитмагил.

Тавозеъ – камтарин, камтарлик.

Уларга фарзандлик юзасидан **тавозеъ** кўргузмок вожиб бўлур эди.

Мустажоб - амалга ошиш бажариш.

Уларнинг сан ҳақиндаги дуоси шунча тез мустажоб бўлур.

Мақсум - тақсимланган, бўлинган.

Восил - эришувчи этишувчи.

Ризқ мақсумдур ва ҳар йўл била сенга восил бўлур.

Рўзий - ризқ..

Рўзий насиба учун ўзингни кўр ранж машаққатга қўймагил.

Юқоридаги нотаниш сўзларни ўқитувчи тахтага ёзиб ёки аввалдан кўргазма қурол тарзида тайёрлаб тахтага илиб қўйиши керак . Кейин эса матндан ўша сўзлар қатнашган гапларни ўқувчиларга топишни топшириб, гап ичида изоҳланганда дарс яхши натижа беради деб ўйлайман. Чунки ўқитувчи бу билан биринчидан ўқувчилар билан лўғат устида ишласа, иккинчидан ўқувчиларни жонсиз томашабиндан фоал иштирокчига айлантиради.

Ўхшатишлардан, қиёслашлардан ҳам файдаланганлигини четлаб ўтмаслик керак.

Одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайдур. Дарахтни ҳар қанча яхши тарбия қилсанг меваси шунча ширинроқ ва яхшироқ бўлур.

“Ҳунар афзунлиғи” бобида Кайковус кишиларга бериладиган исм ҳам тўхталиб ўтган. Бу нарса ўқувчилар учун жуда қизиқарли бўлиши мумкин. Шунинг учун бу

ерига ўқитувчи алоҳида урғу бериб тушинтириб ўтиши лозимдир. Чунки айрим ўқувчилар ўз исмларидан норози бўлиб юрадилар. Айримлар эса ўзига қўйилган номни оқламай унга доғ туширишади. “Қобуснома”да бу ҳақда яхши фикрлар берилганлиги таъкидлаш жоиздир.

“Отни ота ва она қўймишлар, сен унга арра бўлмағил, нединким, ул от маҳзи бир нишондин ўзга нарса эрмасдир. Аммо сан ҳунар била бир номга эга бўлгил. Ўзингни “Жаъфар”, “Муҳаммад”, “Аҳмад” “Устод”, “Хўжа”, “Фозил” оти билан атаб, аммо унга лойиқ бўлмасанг, у от эрмасдур.

Ғарра - норози , ғаразли.

Маҳз - холис.

«Қобуснома»нинг ҳар бир боби инсоннинг инсон бўлиб шаклланишига катта хизмат қилади. «Қобуснома»да шундай дейилади «_Эй фарзанд, умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсан. Бу билан мен оталик вазифасини бажо келтирган бўлурман. Билгилким, ҳалқнинг одати шундайки, югуриб-елиб, қидириб-ахтариб дунёда бирон нарса ҳосил қиладилар ва нарсаларни ўзларининг яхши кўрган кишисига қолдириб кетадилар Мен дунёда мана шу сўзларни ҳосил қилдим, менинг яхши кўрган кишим сенсан».

Бу жаҳон бир зироатгоҳдир, ҳарна эксанг уни ўрасан ва ҳар қандай сўз десанг унинг жавобини эшитасан.

Кайковус ўз асарларида ёшларнинг хулқ-атворида алоҳида эътибор билан қарайди. Ёшларни инсонпарвар бўлишини, ҳалққа ширин муаммола қилишини таъкидлайди. Шунингдек, дўстга, душманга қандай муносабатда бўлиш каби масалаларни ҳам ўз асарида ёритиб берган.

«Дарахтни-мевасидан, одамни-одобидан танийди»-деб беъжиз айтилмаган.

Муҳтож бўлмай яшашга,
Турли-туман сабаб бор.
Баҳоси йўқ хазина-
Олтиндан зиёд одоб бор.

Булайин десанг, мақтовли,
Яхшиликка одатлан.
Бахтинг тоймас, суянчинг-
Бўлса ахлоқ-одобдан.

Бу сўзлар ҳам ҳалқимизнинг одоблиликни кадрлаш ва унинг юксак баҳолашга ёрқин мисолдир.

Луқмон Ҳаким бундай дейди:

Подшо Ануширвони Одил ўз вазири Бузрукмеҳридан: «Ҳамиша, ҳамма жойда одамлар яхши қабул қиладиган киши ким?» деб сўраганида, у «одобли одам» деб жавоб берган экан. Шундай экан киши қалбидан жой олиб, унинг хулқ атвориға айланган одоблиликдан улуғроқ бахт йўқ.

«Қобуснома» ҳаётий ва амалий масалаларни ёритади. Муаллиф бу масалаларни ўз турмушида кўрган ва учратган бу муаммоларни Кайковус ҳикоялар, мақолар ва донишмандларнинг ҳикматли сўзлари билан исботлайди. Шунинг учун ҳам «Қобуснома» XI аср Шарқ педагогикаси тарихида ғоят қимматли асарлар қаториға киради.

Бобдаги ўғитларнинг ҳозирги эомон руҳиға мос тушинтириб дарсни яқунлаш мумкин.

Энди 6-синф адабиёт дарсларида ўқитилиши лозим бўлган асарларға назар ташлайдиган бўлсак, халқ оғзаки ижоди намуналаридан берилиб, Навоий, Бобур, Ҳувайдо, Гулҳаний, Мужрим Обид ва бошқаларнинг асарларидан

намуналар берилган. Ўқувчиларнинг ёши улғайган сари бу нарса ўқитувчидан кўпроқ ижодий меҳнатни талаб қилади.

Мумтоз адабий асарлар маълумки, жуда шарҳ талаб қилади. Шу боис ўқитувчи зиммасида бу нарсаларни ўқувчилар онгига тўғри етказиб беришдек маъсулятли вазифа туради.

Бобур ва унинг рубойиларини ўрганиш учун 2 соат вақт ажратилган. Бир соат Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилиб, яна рубойларни ифодали ўқиш устида ишланса бўлади. Иккинчи соатда эса рубойлар таҳлили билан шуғулланиши ва рубой ҳақида назарий маълумот бериш керак.

Беқайдмену хароби **сийим** эрмамен,

Хам мол йиғиштирур **лоим** эрмасиен.

Қобулда **иқомат** этти Бобур дерсиз,

Андоқ демангизларки, **муқим** эрмасмен.

Сийм - олтин, кумуш.

Лаим - очкўз, баҳил

Иқомат - яшамоқ

Муқим - барқарор, доимий

Бу рубойни ўқувчиларга шарҳлаб қуйдагича тушинтириш мумкин:

Оддий одамман, олтин кумиш эмасман, мол йиғиштирувчи очкўз баҳил ҳам эмасман, сизлар Бобур Қобулда истиқомат қилди, унинг мақсади шу эди дерсиз, ундай деманглар мен у ернинг доимий яшовчиси эмасмен, дейди.

Бу ерда ўқувчиларга Қобул ҳақида ҳам маълумот бериб кетса яхши бўлар эди. Агар карта ёрдамида унинг қаерда жойлашгани, ҳозир номи ўзгардими ёки шу ҳолда

сақланганми, қайси давлат ҳудудида жойлашганлигини тушунтириб изоҳласа яхши бўлар эди. Афғонистоннинг пайтахти.

Бу рубоийни ўқиш билан ўқувчилар маълум даражада Бобурнинг ҳаёти ҳақида ҳам маълумотга ҳам эга бўладилар.

Бобур унга нисбатан ғаразли муносабатда бўлганларга рубоийлари орқали мурожаат қилиб тушинтиришга ҳаракат қилади. Унда ифодаланган ғоя шоирнинг ўзга юртларда шоир бўлиб юриши, аммо ҳамма вақт киндик қони тўкилган тупроққа қадирдон юртга булган соғинчи ифодаланган. Бундан ташқари шоир ўзга юртларда тож-тахт, бойлик илинжида юрмаганлиги, бу вақтинчалик нарса эканлигини айтишдан ибо-ратдир.

Хўжаназар Хувайдонинг “Роҳати дил” дастонида “Баёни ғаддорийи дунё” парчаси берилган. Бунинг учун режалаштиришда 3 соат вақт ажратилган. Мен бу дарсни ташкил қилишда шоир ҳақида қисқача маълумот бергандан кейин 2 соатнинг ўзида парча мазмуни билан таништирган маъқул деб ўйлайман. Яна бундан ташқари аввалдан бу мавзуни ўқувчиларга ўзларига ролларга тақсимлаб инценеровка тарзида ташкил қилинса жуда бошқача чиққан бўлар эди.

Чунки бу билан ўқувчилар асарни мустаҳкам ўрганиб оладилар, кейин эса ўзлари мустақил фикр билдиришга уриниб кўрадилар. Асарга шахсий муносабатларни билдиришга даъват қилинади. Бир нарсани минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзалроқдир.

Ўқитувчи бунинг учун бу дарсга I -2 ҳафта олдин тайёргарлик кўриб, ўқувчиларга ролларни тақсимлаб чиқиши, керакли топшириқларни бериши лозим. Дарс тамом

бўлгандан кейин эса хаётда ҳазир ҳам шундай инсонларни учратгансизларми? Қабилидаги саволлар билан мурожат қилиб ўқувчилар диққатини янада дарсга мажбурий эмас, балки ихтиёрий равишда жалб қилиш керак.

- Бошловчи
- Катта ака
- Ўртанча ака
- Иниси
- Дунё

Юқоридагича ролларга тақсимлаш керак. Инценеровка тамом бўлгандан кейин унда қатнашувчилар нутқида ўқувчилар учун нотаниш сўзлар айтилади. Аввал изоҳни қатнашувчилар берадилар, агар улар тўлиқ шарҳлай олмаса ўқитувчи ёрдамида шарҳлаб, изоҳланади.

Парчада Корун номи тилга олинади. Корун ҳақида ҳам ўқувчиларга маълумот бериб кетилиши керак.

Корун – Ҳазрати Мусо алаҳи-с-салом замонида яшаган жуда давлантманд бир шахс эканлиги, адабиётда эса бойликнинг рамзий образи сифатида талқин қилиниши таъкидланади.

Дарсни ўқитувчининг ўзи қуйдаги тахлитда хулоса қилса мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Шоир ҳикоят охирида худога нола қилиб, барча инсонларни мана шундай бало – офатдон сақлагин деб мурожат қилади.

Йиғилса молу мулкат мисли Корун
Кўзи тўймас, қилай дер боз афзун.
Бу дунёдин кетар дунёга туймай,
Кўзининг уйига то хок тўлмай.
Илоҳи сақлагил мундоғ балодин,
Қутилғаймиз бу янглиғ мажорадин.

Ушбу ҳикоят ҳозирги кунларда жамиятимиз ўз бошидан иқтисодий, сиёсий ва маънавий қийинчиликларни кечираётган бир пайтда алоҳида маърифий тарбиявий аҳамият касб этади. Ҳикоятнинг бундай маърифий тарбиявий аҳамияти ҳар бир давр, ҳар бир инсон учун доим қимматли бўлиб қолади. Асарни ўқиган ҳар бир шахс бойлик учун бир-бирини ўлдиришга бориб етган ака-укалардан нафратланади. Асарнинг етакчи ғояси ҳар қандай қийин шароитда ҳам инсон-инсонлигича қолиши керак, у мол-дунё, бойлик учун пасткашликка бормаслигини табаррук инсон қонини тўкишдан тийилиши лозимлигини уқтиришдан иборатдир.

6-синфда Гулҳанийнинг “Маймун билан Нажжор” масали берилган. Режалаштиришда бу масални ўтиш атиги I соат вақт ажратилган ҳалос. Чунки бу катта ҳажимдаги асар I соат давомида шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериб, асар таҳлили ва масал жанри ҳақида маълумот бериш мушкулдир, деб ўйлайман. Чунки 6-синф бошқа ҳеч синфда Гулҳаний ва унинг асарлари ҳақида маълумот белилмайди. Шу сабабдан менинг шахсий фикримча, умумий соатлардан мустақил ўқилган асарлар юзасидан суҳбат учун 6-синфда 5 соат вақт ажратилган. Шунинг ҳеч бўлмаганда I соатини Гулҳаний асарларини ўрганиш учун қўшиш керак.

Бу мавзуни ўқувчиларга ўтишда I соатда Гулҳанийнинг ҳаёти ва унинг йирик ҳажмли асари “Зарбулмасал” ҳақида маълумот бериши керак. “Зарбулмасал” Қўқон хони Амир Умархон (1787- 1822) нинг талаби билан яратилган. Хон бу билан Гулҳанийни “тўғри йўлга бошламоқчи бўлади. У ёзувчидан хонликни кўкларга кўтарувчи, салтанатни

шарафловчи асар кутади. Лекин бундай бўлиб чиқмайди. “Зарбулмасал” сўзининг лўғавий маъноси масаллар йиғиндиси бўлиб, асарда учта: “Маймун билан Нажжор”, “Туя билан Бўталоқ”, “Тошбақа билан чаён” масаллари берилган, булардан ташқари “Бийно ва хобийно”, “Кўрувчи ва кўр”, “Каж ва Фаж”, Қинғир ва Нодон”, “Безанда ва Навозонда”, “Раққоса ва Хонанда” каби кичик ҳажмдаги мустақил сюжетли масаллар, “Муътамир подшоҳ ва Айния” ривояти умумий қолипловчи сюжет сигдирилиб юборилган.

Инқилобга қадар масаллар билан бир қаторда халқ мақоллари, иборалари, хикматли сўзлари ҳам масал деб юритилган: “Бурноғилар масалидурким, “Битар ишнинг бошига яхши келар қошига”, яна бири булки, “Бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи бирла келур”. Ёки: “Қадимги бузуруг машойихлардан бизга бир масал қолибдурки,” Эр берсанг ошингни, итлар чайнар бошингни” ва бошқалар. Буларнинг ҳаммаси масал эмас, балки халқ мақол ва ибораларидир.

I соатда ўқувчиларга уйга вазифа қилиб, Гулханийнинг ҳаётини ўрганиш билан дарсликда берилган “Маймун билан Нажжор” масалидаги нотаниш сўзларнинг лўғатини тузиб маъносини изоҳлаш топширилади.

2 соатда ўқитувчи асар таҳлили билан шуғулланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масал мазмуни билан ўқувчиларни таништиргач, луғат устида ишланади. Кейин эса асардаги тарихий жойлар шахс номлари айтиб берилади.

Чўх - кўп, жуда

Хунарманди фард - ёлғиз якка доно

Кулаҳ - бош кийими

¹**Мавқуф** - қаратилган, тўхтатиб қўйилган.

Маъруф – таниқли, маълум

Нажжор - дурадгор

Навоҳе - қишлоқ, атроф

Гулбуне - бир гул дарахти

Зурия -балалар, авлодлар , Жўғиروفий жой номлари:

Кашмир

Яна бу ерда Боғи Эрам ҳам тилга олинади. Боғи Эрам ҳақида ҳам ўқувчиларга маълумот берилса ўқувчиларни асарга бўлган қизиқишлари янада ортади.

Боғи Эрам эртакларда мумтоз адабиёт вакиллари асарида кўплаб ишлатилади. Бу аслида бор нарсами йўқ нарсами? Ҳақиқат юзасидан назар ташлайдиган бўлсак, чиндан ҳам бир вақтлар бу боғ мавжуд бўлган. Оламнинг етти мўжизаси сифатида тан олинган боғлар бизнинг адабиётимизга шу ном билан кириб келишидир.

2

Бор эди кашмир Навоҳинд³а тоғ

Боғи Эрам рашкидин кўксида доғ .

Муболаға сўз ўйинларидан ҳам шоир унумли файдаланган.

Уйдин улугроқ эди бир гулбуне

Анда ватан тутмиш эди маймуне.

Бир гулни катталигини ҳудди уйдек деб айтаяпти.

Айди: “Улус ичра бу бир касб эрур,

“Касбни” кесанг бошини “саб” бўлур”.

I Долимов У. “Зарбулмасал” асарини шарҳлаб ўқиш. Совет мактаби 1988й №9 24-б.

³³ II Муҳаммад шариф Гулҳаний. “Майиун билан Нажжор”. Ўзбек адабиёти. Дарслик . 6-синф учун Т, 1993й 44-б

Араб ёзувида “каср” сўзининг бош ҳарфи (коф-к) кесиб ташланса, яъни “саб” қолади, “саб” эса дашном маъносини англатади. Бу мисрада шоир сўз ўйини қилиб “касбсиз одам дашном эшитишга маҳкум” демоқчи.

Асарда кўпроқ форс - тожикча сўзларнинг учрашини ҳам ўқувчиларга айтиб ўқиш жоиз.

Бар сари оч чўби кафида келди. Косиб
пуркардин пуркордек - ишни тўлиқ мукаммал қиладиган
касб эгасидек.

Шаҳрнинг зиндонидин озод ўлуб,
Боғни Ширинга Фарҳод ўлуб

Сонур эди ўзини тоғ Хисрови,
Тоғни ўқув Далавийи маънавий.

Алишер навоий ва Ҳисров Деҳлавий асарларининг қаҳрамонларини ҳам тилга олиб уларнинг қилган ҳатти ҳаракатларини асар руҳига сингдириб юборди. А. Навоий «Хамса» асаридаги дастонлардан бири “Фарҳод ва Ширин ҳақида ҳам маълумот борилса жуда яхши бўлар эди.

Ҳозирда ҳаётда бу масал қайси мақоллар руҳига сингдирилганини ҳам дарс ҳулосасида айтиб ўтилса, яъни “чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин”. Ҳар киши бирор ишга қўл урмалкчи бўлса, аввал уни пухта пишиқ ўрганиб кейин қўл урсин қабилидаги ҳулосага келиши мумкин.

Теша - тиғи дастасига нисбатан кўндаланг ўрнатилган кесиш, чопиш асбоби.

Ёғоч –ёғоч

Пона - нарсаларни ёриш , кериш ёки бириктириш учун ишлатиладиган бир учи тиғли ёғоч ёки темир.

Юқоридагиларни ҳамда арраник устанинг иш қуроли эканлигини аввал ўқувчиларнинг ўзларидан сўраб кейин эса тушинмаган жойларни ўқитувчи тушинтиради.

Бу асар билан шоир ҳар бир касбни яхши эгалламай туриб, унга тутиниш кишига шараф эмас, балки дашном зарар келтириўини алоҳида уқтиради ва калтабинлик, нодонлик, шошмашошарлик устидан кулади.

Ўқитувчи дарс охирида масал жанри ҳақида назарий маълумот бериб, дарсни хулосалайди.

7-синф адабиёт дарслигига назар ташлар эканмиз унда ҳам қадимги даврлардан тортиб то ҳозиргача бўлган ўзбек ва қардош халқлар, чет эл адабиёти вакиллариининг асарларидан намуналар, парчалар берилган. Бу синфда бизнинг таътқиқот объектимиз бўлган шарҳлашни кўпроқ талаб қилувчи асарлар жумласига бобурнинг “Бобурнома”, Маҳмурнинг “Ҳапалак” ҳамда Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан олинган “Қўрқинч бир жасорат” парчаси юзасидан шарҳлашни қандай ташкил қилиш ҳақида сўз юритсак.

Бобурнинг “Бобурнома” асарини ўқувчиларга тушинтириш учун 3 соат вақт ажратилган.

I соат ўқитувчи Бобур яшаган давр ҳақида **Кириш** машғулоти билан бошлаб Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўқувчиларга тушунча бериши керак. Шундай қилингандагина асарни ўрганиш учун замин ҳозирланган бўлади. Асар воқеаларининг ўзиёқ шу давр ҳодисаларидан келиб чиқади.

6-синфда Бобур рубойлари билан танишганликлари ҳам эсларига солинади. Энди эса уларнинг ёши улғайганликларини ҳисобга олиб ўқувяиларга батафсилроқ тушунча беришга интилиш керак.

Атоқли лашкарбоши, Афғонистон ва Ҳиндистон худудида йирик имперяга асос солган машҳур давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур XVI аср ўзбек адабиётининг ҳам улкан намоёндасидир. У исътедодли лирик шоир, ёзувчи, билимдон тарихчи, адабиёт назарияси, таржимон мусиқашунос эди.

I соатда ўқувчиларга матн билан танишиб луғат билан ишлаб келиш топширилади.

2 соат давомида ўқитувчи кўргазма қурол сифатида аввалдан луғат тузиб келади. Ўқитувчи матн мазмуни билан таништиради. Кейин эса кўпроқ луғат ва айрим асарда тилга олинган тарихий шахслар ҳақида маълумот берувчи кўрсатма қуролини тахтага илади.

Бу кўрсатма қурол қуйдагича бўлгани маъқул деб ўйлайман.

I Тарихий шахслар:

1. Абдурахмон Жомий
2. Алишер навоий
3. Султон Абу саид мирзо
- 4 . Аҳмад Ҳожибек
5. Қулмуҳаммад
6. Шайхи Нойи
7. Ҳусайин Удий
8. Бегзод - мусаввир
9. Музаффар
10. Ҳусайин Мирзо - подшоҳ
11. Амиралимумин Усмон
12. Темур
13. Абумансур
14. Бухорий
15. Улуғбек
16. Батлимус – Птоломей қадимги юнон олими.

17. Маъмун ар- рашид
18. Искандар - Македониялик Александр.

II. Жой номлари

- 1 Самарқанд
2. Астробод
3. Фарғона
4. Бадахшон
5. Олмолу
6. Ҳўжанд
7. Андижон
8. Олмалик
9. Кеш Шаҳрисабзнинг қадимий номи.
10. Моварауннаҳр - дарёнинг нариги тарафидаги ерлари.
11. Марғулон
12. Кашғар
13. Бухора
- 14 . Хоразм
15. Тошканд
16. Балх
17. Термиз
18. Қобул - Афғонистоннинг пайтахти.
19. Мароға - Эрон Афғонистондаги шаҳар.

III . Асарда тилга олинган асар номлари.

1. “Хамса”
2. “Мантиқ-ут-таир”
- 3 . “Лисон-ут-тайир”
4. “Ғаройибус-сағар”
5. “Наводируш-шабоб
6. “Бадоеъ-ул – васат”
7. “Фавоид –ул Кибар”

8. “Мезон –ул авзон”

9. “Саҳиҳи Бухорий”

10. “Хидоя”

11. “Зижий Кўрагоний”

12. “Зижий Элхомей” - Насриддин Фусий (1201-1274)

Машхур астроном ва математик олим. 1259 йилда Мароға расадхона қурилишига ёрдам берган.

IV. Дарё ариқ номлари

1 Сирдарё

2. Сайхун – Сирдарё

3. Кўҳақ суйи - Зарафшон / тепалик, баланд/

4. Қорасув -арик

5. Обираҳмат-арик

6. Сиёҳоб- обираҳмат қорасув

V. Иморат ва боғ номлари

1 Оҳан дарвазаси – самарқанд дарвозаларидан бири

2. Мозори шоҳ -Шоҳи зинда

3. Кўксарой

4. Боғи Бўлду

5. Боғи Дилекекушо

6. Боғижамоал

7. Боғи Биҳиштхур

10. Муқаттаъ масжиди - / луғавий маъноси кесилган, парча-парча ўйма нақшли тахта ёғоч/ парчалари билан безатилган учун шундай номланган.

11. Расад –расадхона, обсерватория

12. Боғи Майдон

13. Чилсутун - / чихл сутун / -Қирқ устун.

14 Чинийхона

15. Лақ-лақа.

Юқоридаги тахлитда устунларга бўлиб номларга берилган изоҳни устунини яшириб, кейин ўқувчилар билан биргаликда матн билан ишлаб ўша сўзнинг қайси ўринда қўлланганлигини матн қуршовида қандай вазифа бажарилганлигини билиб олса бўлади.

Ўша пайтнинг ўзида карта ҳам тахтадан осифлик турса, дарс кутгандан ҳам самаралироқ бўлиб чиқиши табиийдир. Чунки бу билан ўқитувчи бирдан асардаги шахс жой, асар, дарё, иморат номларини изоҳлаб ўқитувчиларга тушинтирса иккинчидан фанлароро алоқадорликни таъминлаган бўлади. “Таълим ҳақидаги” Қонун концепциясининг талабларидан бири ҳам дарсларда фанлар аро алоқадорликни таъминлашдан иборатдир.

“Бобурнома” да шаҳар аҳолисининг тили касби, овқатланиши, табиати, сувлари, боғ ва қишлоқлари ҳақидаги маълумотларни ҳам ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларга етказишга ҳаракат қилиши керак. Кўргазмали қуролдан файдаланиб, уни системалаштириб ўқувчиларга кўсатилса, бир томондан ўқитувчини қимматли вақтини тежаса иккинчи томондан бу ўқувчилар хотирасида тез ва узоқ сақланиб қолишга сабаб бўлади.

Ўқитувчи бу асарни адабиёт хазинасидаги буюк асар, мемуар асар эканлиги, ундан фақат адабиёт аҳлигина эмас, бошқа соҳа учун ҳам асқотишини тушунтириб мемуар асар ҳақида ҳам назарий маълумот бериб ўтиш керак.

Машҳур инглиз тарихчиси, Хиндистон тарихининг йирик билимдони Г. Эльфинстон “Бобурнома”га берган боҳосини келтирилса янада яхшироқ бўлади.

“ Бу мемуарларда буюк турк подшосининг ҳаёти батафсил тасвирланган, унинг шахсий ҳис-туйғулари ҳар қандай муболағадан, пардадан ҳоли унинг услуби оддий ва мардона,

шунингдек жонли ва образли, ўз замондошларининг таржимаий ҳолларини, уларнинг қиёфаларини, урф-одатларини, қилиқларини ойнадек равшан тасвирлайди. Бу жиҳатдан у Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасидир. Бобур ҳар бир одамнинг ташқи кўринишини, кийинишини таъбини, ва одатини ифода қилади ва мамлакатларни, уларнинг иқлимини, пейзажини, хўжалигини, саънат ва хунармандчилик асарларини тасвирлаб беради. Лекин асарга муаллифни узининг характери энг кўп жозиба бағишлайди...”

Махмурнинг “Хапалак” шеъри учун программада I соат ажратилган. Аввало қўитувчиларга Махмур яшаган давр ва унинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ маълумотлар билан таништириш лозим.

Махмур XVIII асрнинг охирги чорагида Қўқон шаҳрида туғилган. Шоирнинг туғилган йили номаълум. Унинг исми Маҳмуд бўлиб, Махмур адабий тахаллусидир.

“Махмур” - ка ричган яъни май ичган, ширакайф деган маъноларни англатади.

Мен ҳозир бу ишда тадқиқот объектим бошқа нарса бўлганидан кейин унинг ҳаёти ҳақида батафсил ёзиб ўтирмайман. Асосан унинг “Хапалак” шеърига диққат қаратмоқчимон. Аввало ўқувчиларга “Хапалак” шеърини ифодали ўқиб берилади. Кейин ўқитувчи тамонидан белгилаб кейинги дарсликда ҳам айримлари берилган ўқувчилар учун нотаниш сўзлар изоҳланган плакат тахтага илдирилади. Кейин ўқувчилар билан биргаликда / плакатда мисралари белгиланган бўлиши керак / ҳар бир мисра шарҳлаб ўқилади.

Жаҳондори - улуғ подшоҳ, катта подшоҳ

Кавкаба - ҳашамат дабдаба

Даври фалак - дунё олам.

Гўш қил - қулоқ сол.

Олачўк - йиртиқ ямоқ чодир

Каталак - катакча **Банда** - мен камина

Кўлгазма қурол юқоридаги тахлитда тартиб билан қўйиб ёзиб чиқилади.

Шарҳлаб ўқиб бўлганлан кейин ундаги тасвир воситалари кўрсатилади.

Кичрайтириш:

Товуқи ганачи-ю ўрдагу ғози капалак товуқларини игначига, ўрдак ғозларини капалакга жуда ўринли ўхшатган, ҳамда мубалағали қилиб кўрсатиб асар таъсирчанлигини оширган.

Маҳмурнинг халқ ибораларидан ўринли файдаланганлигини ҳам шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Солиқ йиғувчилар келишидан ваҳимада қолган халққа нисбатан “капалаги учиб кетди” иборасини қўллайди:

Кеча гўё эшитиб шуҳрати тилла пулини

Хапалак кўрқувсидан учди мисоли капалак ¹

.

Асардаги шевага хос сўзлар ҳам шарҳланади, “банда”, “олачўк”, “капалак”, “земенкан”, “ўғур” ва башқалар.

Одамларнинг маиши турмуши ночорлигини очиш учун шоир”ўласи-ю қоқи хароб” сифатлашни қўллайди.Очликдан букилиб кетган одамларнинг ҳолатини камалакка ўхшатади. Камалак ҳақида ҳам маълумот бериб ўтиш керак. **КАМАЛАК** етти хил рангда товланувчи, асосан баҳор пайтларида ёмғирдан кейин кузатилувчи ҳодисадир.

Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан олинган “Қўрқинч бир жасорат” парчаси ўргатилиши учун 3

¹¹ Махмур “Хапалак”.Ўзбек адабиёти. Дарслик.7-синф учун.Т.”Ўқитувчи”.1993. 70-бет.

соат вақт ажратилган. 1 соат А.Қодирий ҳаёти ва ижоди билан таништириб, унинг йирик ҳажмли асарлари мавжудлиги ҳақида ҳам “Меҳробдан чаён” романи билан батафсилроқ таништирилади.

“Меҳроб” сўзи изоҳланади – Муҳораба уруш сўзидан олинган. Масжид номоз ўқиладиган, жойларнинг қибла томонига ишланадиган махсус жой.- Номоз ўқувчи номозхонлар шунга қараб номоз ўқийдилар. Меҳробдан мулло эмас наён чикди деб Абдурахмон ва унинг ҳамтовоқларини чаёнга қиёслайди. 2 соатни мулоқот тарзида ташкил қилиб, кўпроқ луғат устида ишланса, янада самара бериши табиийдир.

1. Баримта - гаровга, кафилга олинган одам .
 2. Шустагар - ювгич, мўрдашўй
 3. Ҳамёза тортди - эснади
 4. Забон - тил
 5. Ҳамнишин - суҳбатдош, бирга ўлтирувчи улфат .
 6. Ишғавул - хон ҳузурига кирмокчи бўлиб колган киши ҳақида хонга хабар бериб рухсат олиб берувчи амалдор.
 7. Қийналик - ўч билан , нафратли
 8. Овок - аваҳта , махсус қамоқхона
- Матн кўршовида шу созлар қатнашган гаплар ўқилиб , шу гапнинг матдаги хизмати аниқланиди .
- Шевага хос ва тожикча сўзлар ҳам учраши таъкидланади .
- Ийби , ийби - доди Раҳим!
 - Кеч келдим, кўп жоврама - чи Раҳим!
 - Бўлмаса нега ундайчилик хомуш тўхтадинг?
 - Бу хон, йўк, даюс! Вой дардаҳанат хонаша!
 - Як – як, Раҳим дав!

НОСТ?

 $\cos \phi$

34

Эгаринг қошида олтин сабоғинг.

Борганда тегади бодом қовоғинг

деган сатрларда қовоқ садоққа, киприклар ўққа ўхшатилиши кўрсатади. “ Алпомиш “ достонидаги изоҳталаб сўзлар жумласига шева билан боғлиқ сўзлар ҳам киради. Улар асосан Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой ноҳиялари, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Бахмал ноҳияларида яшовчи ўзбеклар тилига хосдир. Айрим ўқувчилар бу сўзларнинг маъносининг тушунмасликлари мумкин. Шунинг учун уларни қуйидагича шарҳлаш лозим: бўйми – бўлмасми; жўн ўтирсанг – жим, тек ўтирсанг; жиярман – йиғарман; туйилди – тугилди; уй дема – ундай дема; чечиниб – ечиниб; чеча – янга, келин – ойи; улим – уғлим; кай – кейин; тушмас – тушунмас.

“ Алпомиш “ асарини шарҳлашда ўзбек халқининг қадимий урф – одатларини акс эттирган, қурол – аслаҳа, солиқ турларини ифодаловчи сўзларга дуч келинади. Масалан, парли ёй- узоқ масофадаги ов ёки душманни ҳалок қилиш учун мўлжалланган қуш пати ўрнатилган ўқли ёй.

Йиқолмасанг, тўра навбат тилайин,

Эркак либосини ўзим кияйин

байтида Барчин аёллигини сездирмаслик мақсадида эркак либосини киймоқчи эканлиги маълум қилинади. Ваҳоланки, аёл кишининг кураш тушиши одат тусига кирмаган.

Қалин берган менинг қанча қўйим бор,

Ўйласам кўнглимда қанча вайим бор

Парчасида ўзбекларнинг қадимги урф – одатларидан бири – калин бериш удуми ўз аксини топган. Достонда ўзбек халқининг тўй маросимлари удумлари мукаммал баён этилган. Чунончи никоҳ ўқиш маросими, чимилдиқ тутиш, чимилдиққа куёв киришидан олдин хотинларнинг “ кампир ўлди “, “ ит ириллар “ расмлари, куёвнавкарлар олдида қўй тушини пишириб қўйиш, уларга сарполар тарқатиш каби удумлар жуда чиройли тасвирланган. Шунингдек, достонда келинни кигизга солиб кўтариш, “ соч сийпатар “, “ қўл ушлатар “, “ куёв товоқ “, “ куёв улоқ “ каби удумлар тўйда айтиладиган “ ёр – ёр “ лардан намуналар берилганки, улар орқали ёшлар аجدодларимиз расм – русмларидан хабардор бўладилар.

Бу урф – одат ва удумларнинг кўпи ҳозир ҳам халқ орасида сақланиб қолган. Уларга бериладиган изоҳлар ўқувчилар томонидан ўрганилиши муҳим аҳамиятга эга. Асардаги уруғ ва элатлар номини ифодаловчи сўзларни изоҳлаш ҳам зарур. Жумладан, қўнғирот сўзини олиб қарайлик. Бу сўзнинг луғавий маъноси қўнғир от ёки қўнғ – қўнғир, ғир эса учар от дегани. Қўнғирот ўзбек қабилаларидан бири бўлиб, қабил аҳли X асрдан бошлаб Ўрта Осиёга кўчиб келган ва турли томонга тарқалган. XVI – XIX асрларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида тарқоқ ҳолда яшаган. “ Алпомиш “ достонида бу қабил аҳли анчагина маълумот берилган. Қалмоқлар эса қадим замонлардан Орол денгизи бўйларида кўчманчи бўлиб яшаганлар ва чорвачилик билан тирикчилик қилганлар.

Бий қабиласи ҳам туркий қабил бўлиб унинг номи уруғ оқсоқоллари номига бий сўзи қўшиб айтилишидан

келиб чиққан. Достонда бир неча жўғрофий номлар ҳам борки, уларнинг айримлари ҳозир ҳам мавжуд. Лекин баъзилари ўзгариб кетган. **Қўнғирот** – Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган қишлоқ. Шунингдек, Андижон вилоятининг Хоразм вилоятининг Урганч, Янгиариқ ноҳияларига қарашли қишлоқлар номи. **Боботоғ** – Термиз шаҳрининг шимолий қисмида жойлашган қишлоқ. **Бойсун** – Сурхондарё вилоятидаги ноҳиялардан бири. **Ҳаштархон** – Астрахон. Қалмоқ элига алоқадор жой номлари қуйидагилар: **Қалмоқон** - Шофиркон ноҳиясига қарашли қишлоқ. **Қалмоқлар** – Охунбобоев ноҳиясидаги қишлоқ. **Қалмоқ** – Москва ва Қува ноҳияларидаги қишлоқлар. **Қалмоққир** – Тошкент вилоятидаги жой номи. Бу жой номлари сақланиб қолганлигининг боиси қалмоқларнинг кўчманчи бўлиб яшаганликлари, кейинчалик ўтроқ бўлиб қолганликларидир. Шу туфайли қалмоқлар яшаган жойлар уларнинг номи билан аталган. Достондаги ҳозир сақланмаган ёки ўзгариб кетган жой номлари (жумладан, Чилбир чўли, Ойна кўли, Тойчи вилояти, Асқар тоғи қабилар) айрим тоғ, кўл, вилоятнинг қадимий номи бўлиши ёки улар бахшилар томонидан топиб қўйилганлиги эҳтимол холи эмас.

Фозил бахши қуйлаган “ Алпомиш “ достонида тарихий шахсларнинг номлари учрайди. Бинобарин, достончиликда тарихий воқеа ва ҳодисалар баён этилган ва аниқ тарихий шахслар иштирок этган асарлар ҳам яратилган. “ Тўлғонай “, “ Намоз “, “ Маткарим палвон “, “ Жиззах қўзғолони “, “ Очил дов “ каби достонлар шулар жумласидандир. Маълумки, оғзаки ижодиётга хос бўлган мақол, муболаға ва халқ иборалари достонларда кўп учрайди. Буни “ Алпомиш “ мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мақоллардан намуналар:

От чопса, гумбирлар тоғнинг дараси,
Уришда билинар марднинг сараси.
Созандалар созин чертар қўл билан,
Ёмон одам куйдиради тил билан.
Кучук босмас йўлбарс – шернинг изини,
Эси бор билади гапнинг тузини.

Муболағалардан намуналар:

Тикилсам қурийди дарёнинг гули,
Наъри тортсам қулайди қўрғоннинг тими.
Одам тушмас, бунинг айтган тилига,
Беш юз қулоч арқон етмас белига.
Оҳ урса оламини бузар товуши,
Тўқсон молнинг терисидан кавуши,
Тўқсон норнинг гўшти бўлмас наҳори,
Ҳар изига кетар анча баҳори.
Олмиш қариш олачадан қалпоғи,
Тўқсон қўйнинг терисидан телпаги,
Тўрт юз тўқсон қулоч қўлда ҳассаси.
Сарҳавуздан катта эди косаси.

Шунингдек, асарда “ бу элда сел бўлди менинг кўз ёшим “, “ гулдайн танам “, “ аччиғинг чиллали музлаган қишдай “, “ жамолинг ўхшайди осмонда ойга “, “ қарчиғай чангалли “ каби образли иборалар кўплаб учрайди. Агар дарс жараёнида бу хил мақол, муболаға ва образли иборалар шарҳлаб берилса, дostonнинг ғоявий мазмуни ойдинлашади. Бу билан ўқувчиларни тилимиз бойлиги ва гўзаллигига ошно қилган бўламиз. Достонда қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси моҳирона акс эттирилган. Барчиннинг гўзаллиги “ гул юзли дилбар “, “ Барчин сулув “, “ ақлинг олур жоду кўзи “, “ зулфакдор “, “ гажакдор “ каби ўхшатишлар билан тасвирланади. Алпомишнинг ташқи кўриниши эса алп Рустамдек баҳодир, Юсуфдек талъатли, “... Аслим шерман ўзим йўлбарс излайман “ (ўз сўзи) тарзида баён қилинади. Шунингдек, достонда тўқсон қалмоқ алпи “ тўқсон молнинг терисидан ковуши “, “ тўқсон норнинг гўшти бўлмас наҳори “, “ олтмиш қарич олачадан қалпоғи “ каби муболағали ўхшатишлар орқали тасвирланади. Достон синчиклаб ўқилса, ўзбек халқи миллий кийим – кечак ва матоларининг номлари ўқувчи эътиборини ўзига жалб этади: чакман – устки кийим тури; чопон – пахталик тўн; тақя – бош кийим; қалпоқ – бош кийим; тумоғи – бош кийими; адрас – матонинг номи; кимхоб – матонинг номи; ковушим – калишим; ковуш – оёқ кийими; чорик – оёқ кийимининг бир тури. Ўқитувчи бу сўзларни изоҳлаб берса, ўтмиш аждодларимиз кийган ва ишлатган кийим – кечак ва матолар ўқувчилар кўз ўнгида намоён бўлади.

Ҳар бир ташкил қилувчи шу тахлитда ўтказса ўқувчиларнинг дарсига бўлган қизиқиши янада ортади. Умуман 1 боб, “ 5 -8 синф адабиёт дарсларида шарҳлаб

ўқитишни ҳулосалар эканмиз, ўқитувчи қандай йўл билан бўлса ҳам ўқувчиларга замон талабларига мос равишда таълим – тарбия беришга интилиши керак. Албатта юқорида кўрсатилган шаклда уларни ёш хусусиятларини ҳисобга олиб дарс ташкил қилиши керак . Айниқса , 7 – 8 синфларда бу нарс алоҳида эътиборни талаб қилади . Чунки бу даврларга келиб ўқувчилар организми, онг сезимида жуда катта ўзгаришлар содир бўлиши кузатилади.

II БОБ.

9 – 11 синф адабиёти дарсларида

ш а р ҳ л а б ў қ и т и ш

9 – 11 синф адабиёт дарсларида асосан ўзбек адабиёти тарихи ёки мумтоз адабиёт мамбаларини ўрганиш кўзда тутилади. Лекин миллий адабиётимизнинг кўхна тарихидаги барча асарларни қамраб олиш мақсад қилиб қўйилмаган. Бадий қиймати йўқолмайдиган, эртанги кун кишиси маънавиятини шакллантиришга ҳам хизмат қила оладиган умри боқий асарларни атрофлича ўрганиш кўзда тутилган. Иккинчи босқичнинг 11 – синфида “XX аср ўзбек адабиёти” курсини ўрганиш режалаштирилган. Бунда адабиётимиз маънавиятини бойитишга қодир ёрқин асарлар синчиқлаб ўрганилади.

Республикамизнинг мустақил тараққиёти йўлига кириши натижасида миллий қадриятларимизга муносабат ўзгарди. Ўрганилиши таъқиқланиб деярли унутилиб юборилган, адабий тарихий обидалар маънавий ҳаётимизда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Шулардан бири ҳадислардир. Айни бизнинг ватанимизда яратилган, ижод этилган бу маънавий мулк эндиликда унинг вориси бўлган ҳалққа қайтарилибгина эмас, балки унинг турмушига чуқур кириб бормоқда . Бугунги кунда ҳадислар ўрта мактаб адабиёти дастурларидан ҳам муносиб жой олди. Шундай экан ҳадислар тўғрисида маълумот берувчи назарий ва методик ишларга ихтиёж сезилади .

Режалаштириш бўйича 9 – синфда Абу Абдуллоҳ ал – Бухорийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш мўлжалланган . Бу мавзунини ўқувчиларга тушунтиришда Ал Бухорийнинг “ Ал

– жомияс - сахий ” ва “ Ал – адаб – ал – муфрад “ асари Ҳадис намуналари “ Муҳаммад пайғамбар қиссаси “ Муслмоннома “. “ Жавохир – ул – ҳикоят “ каби қўшимча манбалардан фойдаланиш лозим .

Ҳадис сўзи асли арабча сўз бўлиб, содир бўлган ривоят қилинган маъноларини билдиради . Навоий асарлари матнида ҳадис – сўз , ҳикоя демак, гапирмоқ деб изоҳланади .

Ҳадис китоби – Ислом дини таълими бўйича Қуръони Каримдан кейин турадиган муқаддас манба, бўлиб, Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ҳикоя , унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ишига олади . Ҳадисларда Ислом дини еҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат мустаҳаб , ҳалол, ҳаром, макруҳ кабилар хусусида тушунча беришдан ташқари ахлоқ – адаб доирасидаги масалалар ҳам талқин қилинади . Дастлаб ҳадислар ёзиб олиниб авлоддан – авлодга , оғиздан – оғизга ўтиб келган . Кейинчалик олимлар ва давлат арбоблари келгуси авлодлар учун Қуръони Карим ва Ҳадисларни ёзиб қолдириш зарурлигини тушунганлар, бундай савобли ишни ал – Бухорий ва имон Аҳмад ан Насоий амлга оширганлар .

Ал – Бухорийнинг ҳаёти ҳақида сўзлаб берилгандан кейин мажмуадан ҳадисларни ўқитиш керак . Ўқувчилар билан биргаликда уларни шарҳлаб бориш керак .

Ҳадисларнинг хусусияти шундаки, уларда кишилардаги ижобий фазийлатларнинг ҳар бири ҳақида сўз юритилиб , уларга оид ривоятлар ҳам берилган . Масалан, 21 ҳадисда қўйидагилар баён этилган . “ Абу Хурайро айтадилар: Расуллулоҳ “ Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин деб ўн марта такрор қилдилар . Шунда Саҳоблар: “ Кимки айтипсиз

деб сўрадилар . Расуллулоҳ: “ Ота – онаси иккаласи ёхуд битталари кексайиб қолган вақтида уларни рози қилмай ўзини дўзахга тушишга мубтало қилган кишини “ дедилар ёки 32 ҳадисда 3 тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз, Алло таола қошида мақбулдир: маълум кишилар дуоси, мусофирнинг ва ота – онанинг дуоси . Ота – онани ранжитмаслик ҳақида гапириб қуйитади ривоятни сўзлаб бериш керак: “ Бир гўрдан “ Остимда олов, устимда олов, ўнг ва сўл ёнимда олов” деган овоз эшитилибди . Суриштирсалар марҳум йигит онасини ранжитган экан . Пайғамбар алайҳис – салом онани чақиртириб , унга гўр тўла оловни ва унда куяётган фарзандини кўрсатиб сабабини айтибдилар . Она ҳушидан кетибди . Ўзига келгач: “ Мен ўғлимдан розиман “ дебди . Шу заҳоти марҳум азобдан халос бўлибди . Шундан кейин 22 ҳадисда ўқилса , нур устига аъло нур бўлади . “ Ким ота – онани рози қилса , унга тубо / жаннат / насиб бўлиб , Аллоҳ Таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади .

Кишидаги энг қабиҳ хислатлардан бири тамагирликдир . Ўқувчиларда бу касалликнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги ҳадисни ўқиб шарҳлаш мақсадга мувофиқдир . “ Қаноатли киши азиз , тамагир киши залолатли холдир . Аллоҳнинг берганига шукр қилган қаноатли кишиларга Аллоҳ таоло яна орттириб беришни ваъда қилган . Аммо “ Аллоҳнинг бергани кифоя деб , ҳаракатсиз ялқов бўлиб , фақирона муҳтожликда кун кечириш ҳаром қаторидаги ахлоқдир “ ҳам дейилади .

Ҳадисларнинг ўзини ўрганишдан ташқари , уларнинг шоирлар ижодига таъсири ҳақида ҳам 1 саотлик дарс ташкил қилиш мумкин . Бунда ўқувчилар Навоийнинг “

Арбайъин “ асарида намуналарни ҳадисга қиёслаб таҳлил қилишлари мумкин . Масалан , Ҳадиси шарифда “ Жаннат оналарингиз оёғи остидадур “ дейилган .

Навоийда эса :

Оналарнинг аёғи остидадур

Равзан жаннату жинон боғи

Базза боғи висолин истар эрсанг

Бўл онанг оёғи туфроғи .

Ҳадисларда илм олишга алоҳида эътибор берилади .

“ Илм ўрганиш ҳар мўмин учун фарздур . Илм толиби учун ҳамма нарса , ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб , и с т и ғ ф о р / тавба қилмоқ / айтади “ .

“ Бешиқдан қабргача илм изла “ . Бу ҳадисларни таҳлил қилиб , шарҳлаш ўқувчиларнинг илмга бўлган муҳаббатини оширади . Ҳадисларни ўқувчилар қабига жо қилиш адабиёт ўқитувчиларининг муқаддас бурчидир , чунки келажак овлод юрагига пайғамбаримиз ўғитларини сингдира олсак , жамиятга чин маънодаги оқил кишиларни етгазиб берган бўламиз .

Ўзбек адабиётини мажмуасида ўзбек адабиёти тарихига оид материаллар ва асарлардан парчалар берилган ҳалос . Аасарлар шарҳи ва изоҳига бағишланган дарслик ҳозирна йўқлиги боис дастурга янги киритилган асарларнинг таҳлили бўйича материал топиш ўқитувчилар учун муаммо бўляпти .

9 – синф дастурида П . Маҳмуд ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун 5 соат ажратилган . 5 соатни қай даражада режалаштириш адиб ижодини ўрганишда ўз олдига қўйган мақсадга қандай эришиш мумкин ? Қандай йўл тутса , ўқувчиларни буюк бобомиз Паҳлавон Маҳмуд

иждо чашмаларидан яхшироқ баҳраманд эта олади деган саволлар туғилади . Дастлабки сабоқни Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ҳақида маълумот беришдан бошлаган маъқул . Бунда ўқитувчи форсийдан Матназар Абдулҳаким таржима қилган 1992 йилда Ғофир Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси чоп этган “ Ким агар озоддур “ рубоийлар тўпламидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ .

Ўқитувчи адиб ҳақида қўйидаги маълумотни беради . П . Маҳмуд 1248 йилда Хева яқинида туғилган Маҳмуд жисмонан бақовват бўлиб кўп жойларда кураш тушади , ҳамиша ғалаба қозонади. Жанглардан бирида Хиндистон шоҳи ой опой Чунани ўлимдан қутқариб қолгани эвазига хиндлар асир олган Хоразмлик юртдошларини қутқаради .

П . Маҳмуд Умар Ҳайём изидан бориб форс тожик тилларида кўплаб рубоийлар яратди . П . Маҳмуд 1332 йилда Хивада вафот этади .

Дарсинг 2 ва 3 соатларида Паҳлавон Маҳмуднинг мажмуада берилган 27 рубоийсидан айримлари ўрганилади , ўқувчилар уларни ифодали ўқиш , баъзиларини ёд олиш , ғоявий мазмунини тушиниб олиш ва луғат устида ишлаб рубоийларни шарҳлаш билан шуғилланидилар .

Шарқда номи чиққан Паҳлавон Маҳмуд ҳаётда мардлик ва жасурликни , муҳтожликларга беминнат саховатни тарғиб этиб , бетинда илоҳий маърифатни кашф этиб , риёзат билан инсоний камолат сари боришни ҳидоят этган .

Бу Паҳлавон Маҳмуд рубоийларининг асосий ғояси . Шоир рубоийларида Хайёмона фалсафа яққол кўзга

ташланади . Дунё чархпалакдек айланиб туртши қонуни
эканлиги кўплаб Шарқ алломалари лутф этганлар .

П . Маҳмуд ёзади :

Ул қодирки , орзу афлоқ яратти ,
Кўнгилда лоғ дилни ғамноқ яратти ,
Мушкин зулфларини – ю ёқуд лабларни
Ерга кориб оҳирда хок яратти .

1 – фалакнинг кўплиги

2 – ғамли

3 – тупроқ

Ёки :

Гуркираган олов дилим йўлдоши ,
Тўлқин урган дарё кўзларим ёши ,
Кўзагирлар ясаётган ҳар кўза
Кўҳна дўстлар хоки - кўли ё боши .

Ўқувчиларга ана шу рубойлар мазмунини
атрофлича ш а р ҳ л а б берилади . сўнг

Тупроқ тўшагида ётган кўп кўрдим

Ер қаро бағрида ботган кўп кўрдим

Йўқлик оламига кўз ташлаганда

Келмаган кўп кўрдим кетган кўп кўрдим.

Рубойиси айтилиб, она заминни азиз тупроқни авайлаш
лозимлиги охир оқибатда ҳаммамиз ҳам мана шу тупроқ
бағридан мангу жой олишимиз ҳақиқат эканлиги
тушунтирилади. Демак инсон умри ғоят қисқа. Мана шу
қисқа умр мабойнида инсон бир-бирига яхшилик қилиши
меҳр-мурувват кўрсатиши даркор.

Ўқувчи бугун -ўқувчи, эртага эса оила бошлиғи, ота-она.
Шу жиҳатдан ҳар бир йигит қизнинг қалбида ўз оиласига
нисбатан кучли муҳаббат бўлиши лозим. Ўз умр йўлдоши,

синглиси, қизини ёмон кўзлардан асраш ҳар бир йигитнинг бурчи қолаверса ҳар бир эр кишида ор номус деган туйғулар бўлмоғи керак.Агар шундай фазилат бўлмас экан, “ишқсиз эшак, дардсиз кесак”дан қандай фарқи қолади. Демак оилани муқаддас билиш, аҳлу аёлни ранжитмаслик ҳар бир ёшнинг инсоний бурчи экан.

Бунга мисол қилиб шоирнинг қуйидаги рубойиси келтирилади.

Токи бор мардлик-у ғайратдан асар,
Аҳлу аёлингни этма дарбадар,
Мева шоҳи агар девордан ошса,
Йўловчилар унга бешак қўл чўзар.

Дўстлик ҳақида битган қуйидаги рубойисини шарҳлаб дарс яқунланади.

Ҳақ дўст дея фиғон тортса фиғон дўст-чин дўст
Қилгувчи ибодатни ниҳон дўст - чин дўст.
Кўз-кўзлама ҳеч бергану олган нонинг
Нон дўстни эмас, аслида жон дўст чин дўст.

10-синф ўқувчилари учун дастурда берилган шарҳ талаб мавзулардан бири XIX асрнинг II яримидаги Туркистон қолаверса Ўрта осий тарихи билан боғлиқ тарихий асарлар Ибратнинг “Тарихи Фарғона” ва Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий” асарларидир.

Бу асарларни ўрганиш учун дастурда фақат ҳар қайсисига 1соатдан вақт ажратилган. Менимча бу жуда камлик қилади. Чунки шу пайтгача оқни қора, қорани оқ деб келганимиз етар.

Ўлка маданий маънавий бойликларининг таланиши, ҳосилдор ерларнинг тортиб олиниши ва ички руссиядан кўп минглаб казаклар келтирилиб жойлаштирилиши,

руслаштириш сиёсати, Халқ озодлик ҳаракатлари ҳақида маълумот берувчи асарлардан ўқувчиларни тўла даражада баҳраманд қилиш керак деб ўйлайман.

Ўқитувчи бу дарсни ўтиш учун тарихий материаллардан ва Ҳ.Бобобекова ва М.Ҳасанийларнинг 1991 йилда мерос рукни остида тошкентда “Камалак” нашриётида чоп этилган асаридан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади , деб ўйлайман .

Шоир , олим, матбаачи Иброт ва шоир, тарихчи Баёний ҳақида ўқувчиларга қисқа маълумот бериб, уларнинг асарларини ўрганишга киришади. Кўпроқ луғот билан шуғулланишга тўғри келади. Кейин эса асарда тилга олинган тарихий воқеа ҳодисалар, шахслар, жойлар шарҳланади. Бу асарларни иложи борича мукаммал нусхасини ўқиб чиқишга ўқувчиларни даъват қилинса, янада яхшироқ бўлар эди. Тарихий воқеаларни ўқитувчи солиштириб, яъни шу пайтгача қандай шарҳлаб келинди, ўша давр тарихий манбаларда қандай “ Тарихи Фарғона “ ва “ Шажараи Хоразмшоҳий “ асарларида қай йўсинда берилган шуларга алоҳида тўхтаб изохлаб ўтса, нур устига аъло нур бўлар эди . Адабиёт халқнинг авлоддан - авлодга ўтиб келаётган миллий анъаналари, манавий ва ахлоқий қадриятлари , марғосим ва шрф – одатлари ҳақидаги маълумотларни ўзида қамраб келган бой ва мукаммал манбадир. Ўзбек миллий ҳаётини акс эттирувчи шундай асарлардан бири “ Ўтган кунлар “ ромонидир.

Дастур бўйича Қодирий ҳаёти ва унинг “ Ўтган кунлар “ асарини ўрганиш учун 8 соат ажратилган. Бу соатларни қай даражада тақсимлаб ўрганиш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Бу дарсларни ташкил қилишда 1994 йилда чоп

этилган “ Адиб эстетикаси “ адабий танқидий мақолалар тўплами, Хабибулло Қодирийнинг “ Отам ҳақида “ номли хотира асари ва адиб асарларидан фойдаланган маъқул.

Адиб қаҳрамонлар нутқида шевага хос сўзлардан, халқ ибораларидан ўринли фойдаланиб, асар таъсирчанлигини оширган. Ўқитувчи кўпроқ ўқувчилар билан биргаликда луғот устида ишлаб асар воқеаларига шарҳ бериши керак .

Асарда кўтарилган масалалар кўлами шу даражада кенг , дастурда кўрсатилган вақт романни ўрганиш учун камлик қилади . Шу боис “ Ўтган кунлар “ ноанъанавий машғулотлар, чунончи синфдан ташқари семинар, баҳс - мунозара, конференция кабиларни ўтгазиш мақсадга мувофиқдир.

Дарснинг ўзидаёқ қолип асосида эмас, балки янгича дарс мулоқат ёки баҳс – мунозара шаклида дарс ташкил қилинса яхши натижа бериши табиийдир.

Қуйидаги мавзулар асосида маърузалар ёки маълумотлар тўпланиб баҳс мулоқот дарс ташкил қилса бўлади.

1. “ Ўтган кунлар “ романида акс этган миллий анъана ва урф одатлар :
2. “ Она меҳридан ота қаҳри ортиқ “ / Юсуфбек Холи ва Мирзакарим қутидор мисолида /.
3. “ Ўтган кунлар “ романида меҳмондорчилик анъанаси .
4. “ Ўтган кунлар “ романида ота – ўғил, қайнота – келин, қайнона келин муносабатлари .
5. “ Ўтган кунлар “ романида тил ва бошқа тасвир воситалари .

Мен Нукус шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли № 3 ўрта мактабда Давлат амалиётида бўлган пайтда 11 –

синфларда худди шу мавзуда дарс ташкил қилдим . Бу дастурда берилган 8 соатнинг 7 – соатида “ баҳс – мунозара “ дарси ташкил қилдим . Бу дарс савол жавоб асосида ўтди . Аввалдан саволлар тузиб, ўқувчиларга оғзаки тарзда берилди, айримларини карточкаларга ёзиб тарқатиб бердим .

Дарс жуда қизиқарли ўтди. Қадимий урф – одат, анъаналар ва кишилар ўртасидаги меҳр – оқибат ўқувчилар билан биргаликда изоҳланди, аниқлик киритиб шарҳланди . Бу масалаларни излаб ҳаракат қилдим.

11 бобга ҳам нуқта қўяр эканмиз, 2 босқичда дарс ташкил қилишда ўқитувчининг имконият даражаси жуда кенг . Чунки юқори синфларда берилган мавзулар учун соат кўп ажратилган . Бу деган гап дарс ўқитувчи ихтиёрида, уни қандай ташкил қилиш, юқори савияда ўтгазиш унинг педагогик санъаткорлигига, маҳоратига боғлиқдир .

Х У Л О С А

Мактаб адабиёт дарсларида шарҳлаб ўқишни қандай ташкил қилиш керак, унинг турлари масаласини ишимизда ойдинлаштиришга ҳаракат қилдик . Ишда шарҳлаб ўқитишнинг турлари ва усуллари тўхталиб, 5 – 8 синфларда шарҳлаб ўқишни ташкил қилишда уларни ёш ўзгачаликларини ҳисобга олиш ва шунга боғлиқ ҳолда ташкил қилиш зарурлиги далилланди .

Шунингдек, малакавий битирув ишимизда 5 синфларда “ Мақоллар “, Яссавийнинг “ Девона Ҳикмат “, Рабғузийнинг “ Қиссаси Рабғузий” ҳамда Қайқовуснинг “ Қобуснома “ асарларини шарҳлаб ўқитишда қандай йўл тутган маъқул, қандай қилинса асарлар мазмуни аниқ ёритилишига баъзи аниқлик киритишга интилдик .

6 – синфларда эса Бобур рубойилари, Гулханийнинг “ Зарбумасал “ асарида берилган парчалар, Хувайдонинг “ Роҳати дил “ достонидан берилган парчани ўқувчилар онгига қандай етгазиш масаласи, унинг ўзига ҳослиги ва усуллари очиб берилди. Айниқса, Хувайдонинг “ Роҳати дил “ достонидан берилган парчани ўқишда н о а н ь а н а в и й дарс типларидан усталик билан фойдаланиш зарурлигини исботлашга ҳаракат қилиб янгича тарзда дарс шаклини ташкил этишнинг усулини кўрсатишга интилдик . Чунки, ҳозирги кунда барча педагог ҳодимлар дарс ташкил қилишнинг ноанъанавий усулларида унумли фойдаланиб, “қотиб қолган қолипдан “ чиқиш масаласини кўтариб чиқишяпти . Шарҳлаб ўқитиш учун бу ҳам бир қулай имконият десак янглишмаган бўламиз .

7 – синф ўқувчиларига Бобурнинг “ Бобурнома “, Махмурнинг “ Ҳапалак “, А. Қодирийнинг “ Қўрқинч бир

жасорат “ асарларидан берилган парчаларни ташкил қилишнинг йўл – йўриқларини ёритиб бердик .

Шунингдек, шу вақтгача қораланиб, ҳозирги кунга келиб эса ўз ўрни ва қадрини топаётган асарларни таҳлил қилиб, уларга аниқлик киритиш масаласини ёритар эканмиз, 9 –синфда Абу Абдуллоҳ ал – Бухорийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳамда асарини шарҳлашни усули, шакли тўғрисида мулоҳаза юритиб, умуман, мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишда турли - туман луғатлардан, жўғрофий хариталардан тарихий, китоблардан фойдаланиш зарурлиги исботланди .

Бундан ташқари 11 – синфларда А. Қодирийнинг “ Ўтган кунлар “ асарини ўзбек миллатининг миллий хусусиятларини ўзида жамлаган асар эканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда шу дарсни ташкил қилишнинг самарали усули ва амалий тажрибам асосида кўрсатиш ва имконият даражасида ёритишга интилдик .

Бугунги мустақиллик даврида республикамиз иқтисодий – сиёсий , ижтимоий – маданий соҳаларда юқори поғоналарга кўтарилиб, жаҳон бозори иқтисодиятига, маориф жабҳасида жаҳон стандарти даражасига дадил қадамлар билан илгарилаб бормоқдаки, бу эса ўз навбатида ўқитишнинг янги шакллари ва методларини кашф қилиш, тажриба орттириш вазифасини ҳар бири ўқитувчи олдига кўндаланг қўймоқда .

“ Ҳар бир дарс – ўқилмаган янги бир бадиий асар, Дарс ташкил қилувчи ўзига хос санъаткордир “. Ўқувчилик йилларимда устозларимнинг дарс бериш усулларини кузатганимда, уларнинг баъзиларидаги аллақандай хислатлар мени ўзига ром этса, қай бирларини дарслари ўта зерикарли

онларимга очиниш ҳисси пайдо бўларди. Ўша пайтларда бунинг сабабини ҳозиргидек чуқур идрок эта олмасамда, бир нарсани тушунардимки, ўқитувчи ўз фанини чуқур билса ва севса, унга бор вужудини бахш эта олса, ўқувчилари унинг дарсини зўр ҳаяжон ва соғиниш билан кутадилар .

Я. Авлақулов “ Она тили ва адабиёт фани ўзининг қизиқарлилиги, ҳаёт ҳақиқатини ёрқин очиб бериши, жасоратга ундоши, сеҳрли олами билан ўқувчиларни рам этиши ва шунинг учун у болаларнинг севимли фанига айланиши керак “ – дея таъкидлар экан, демак , адабиёт ўқитувчиси ўз фанининг, касбининг фидойиси бўлиши лозимдир .

Хулоса қилиб айтганда , мактаб адабиёт дарсларида шарҳлаб ўқиш , айниқса, мумтоз адабиёт асарларини шарҳлаб ўқитувчидан жуда катта педагогик маҳорат ва ижодий изланишни талаб қилади . Ишонамизки, ҳозир ҳам, келгусида ҳам бўлажак ўқитувчилар ва тажрибали ўқитувчилар шундай йўлни тутиб, ижодий тажрибаларида унумли фойдаланадилар .

I. Адабиётлар рўйхати

1. А. Қодирийнинг бадиий дунёси. Мақолалар тўплами.
“ Университет “. Т. 1994 й.

2. М. Бўронов Дарс кузатиш – маъсулиятли иш. Н. 1995 й.

3. Умумталим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти / У –
XI синфлар учун /. “ Ўқитувчи “. Т. 1993 й.

4. Ўзбек педагогикаси анталогияси икки жилдли. I ж.
“ Ўқитувчи “ Т. 1995 й.

II.

1. Аллақулов Я. Ўқувчиларни фанга қизиқтириш йўл –
йўриқлари. ТАТ. 1992, № 5 -6. 15 – 16 – 6.

2. Валиев Б. Адабиёт дарсларида ҳадис илми. ТАТ. 1995
й., №2. 20 – 22 – б.

3. Долимов У. “ Зарбулмасал “ асарини шарҳлаб ўрганиш.
“ Совет мактаби “. 1988 й., № 9 24 – 27 б.

4. Раззақова З. Адабиёт ўқитиш ҳақида фикрлашамиз. ТАТ.
1992й. № 5 – 6. 44 – 45 – б.

5. Тожиев А. Бадиий асар таҳлили. ТАТ. 1994 й., № 2.

6. Турсунова М. Адабиёт дарсларида шарҳлаш усули.

/ “ Алпомиш “ достони мисолида / ТАТ 1992 й, № 4, 22 -
25 – б

7. Тўйчибоев Б. “ Бобурнома “ да жой номлари изоҳи.

ТАТ. 1992 й. № 2, 6 – б.

8. Ғуломова Н. Ўқувчиларнинг бадиий адабиётга бўлган
қизиқишларини орттириш.

9. Усмонова Д. А. Қодирийнинг “ Ўтган кунлар “ романини
ўрганиш тажрибасидан. ТАТ. 1994 й. № 4 – б.

10. Эшқораев Т. Эзгуликка чақириқ. ТАТ 1995 й. № 2, 17 –
б.

III. Д а р с л и к л а р

1. Саримсоқов Б. Халилов Т. Қурбонбоев Б. Ўзбек адабиёти 5 – синф учун. Дарслик - мажмуа “ Ўқитувчи “ Т. 1993 й.

2. Ўзбек адабиёти 6 – синф учун. “ Ўқитувчи “. Т. 1993 й.

3. Йўлдошев Қ. Мажидов Р. Ўзбек адабиёти 7 – синф учун. “ Ўқитувчи “. Т. 1993 й.

4. Ўзбек адабиёти. 8 – синф учун. “ Ўқитувчи “. Т. 1993 й.

5. Ўзбек адабиёти. 9 – синф учун. “ Ўқитувчи “. Т.

6. Ўзбек адабиёти. Мажмуа. 10 – синф учун. “ Ўқитувчи “. 1993 й.

7. Ўзбек адабиёти. Мажмуа. 11 – синф учун. “ Ўқитувчи “. Т. 1993 й.

8. Зунунов А. Ҳотамов Н. Эсонов Ж. Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. “ Ўқитувчи “. Т. 1992 й .

I у.

1. М. Рустамий, С. Хасан Саводхонлар луғати. “ Ёзувчи “. Т. 1992 й.

2. Хасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. “ фан “. Т. 1993 й.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. I ва II томлар. “ Фан “. Т. 1981 й.